

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ
ҚАРОРИ

426 Прокуратура органлари, судлар, ФХДЁ ва давлат
нотариал идораларининг хизмат кўрсатувчи ва тех-
ник ходимлар лавозимларининг меъёрлари ва уларни кири-
тиш шартларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2609*

Прокуратура органлари, судлар, ФХДЁ ва давлат нотариал идоралари-
да хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар сонини мақбуллаштириш мақса-
дида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси
қарор қилади:

1. Прокуратура органлари, судлар, ФХДЁ ва давлат нотариал идорала-
рининг хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар лавозимларининг меъёрлари
ва уларни киритиш шартлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири**

А. АБДУҲАКИМОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 12 август,
16-Қ/Қ-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 12 август,
54-сон

Адлия вазири

Н. ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 12 август,
5-сон

Бош прокурор

Р. ҚОДИРОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 12 август,
17-Қ/Қ-сон

Ўзбекистон Республикаси
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги,
Адлия вазирлиги ва Бош прокуратурасининг
2014 йил 12 августдаги 16-Қ/Қ, 54, 5,
17-Қ/Қ-сонли қарорига
ИЛОВА

**Прокуратура органлари, судлар, ФХДЁ ва давлат нотариал
идораларининг хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар
лавозимларининг меъёрлари ва уларни киритиш
ШАРТЛАРИ**

Т/р		Лавозим номи	Лавозим меъёрлари ва уларни киритиш шартлари ¹
Хизмат кўрсатувчи ходимлар			
1.		Хизмат кўрсатувчи автотранс-порт ҳайдовчиси	2 смена — республика миқёсидаги ташкилот раҳбарига; 1,5 смена — бошқа хизмат кўрсатувчи енгил автомобилларига
2.		Ҳовли супурувчи	1 нафар ходим 2,5 минг кв метр йиғиштирила- ладиган ҳудудга
3.		Боғбон	1 нафар ходим 2,5 минг кв метр майдондаги боғ ва манзарали ўсимликлар экилган ҳудуд учун
4.		Прокуратура органлари, судлар, ФХДЁ ва давлат нотариал идоралари хоналари фарроши	1 нафар ходим 800 кв метр йиғиштирила- ладиган ҳудуд учун
5.		Суд хоналарининг фарроши	1 нафар ходим 800 кв метр йиғиштирила- ладиган ҳудуд учун, суд мажлислар залидан ташқари; 1 нафар ходим 450 кв метрга суд мажлислар зали ва йўлаклар бир неча бор йиғишти- рилганида
6.		Рухсатномалар бюроси навбат- чиси ²	1 нафар ходим ташкилот учун
7.		Бинога жорий хизмат кўрса- тувчи ва таъмирловчи ишчиси ³	10 дан 50 гача нафар ходими бўлган ташкилот- ларда 0,5 нафар ходим; 50 ва ундан ортиқ ходимлари бўлган ташки- лотларда 1 нафар ходим
8.		Қоровул	3 нафар ходим бинони қўриқлаш сигнализация ускуналари ўрнатилмаган ҳолда ҳамда ички ишлар идораларининг қўриқлаш хизмати бўлинмаси ёки бошқа махсус ташкилот томо- нидан амалга оширилмаган ҳолда
9.		Бошқа хизмат кўрсатувчи ходимлар	Ташкилотнинг хусусиятига кўра меҳнат ва молия органлари билан келишилган ҳолда киритилади
Техник ходимлар			
1.		Архивариус	1 нафар ходим ҳар бир судга

Т/р	Лавозим номи	Лавозим меъёрлари ва уларни киритиш шартлари ¹
2.	Судларда иш юритувчи	Республика ва вилоят миқёсидаги бошқарув ходимлари сони 50 нафардан кам бўлган ташкилотларда 1 нафар ходим, 50 ва ундан юқори бўлган ташкилотларда — 2 нафар ходим
3.	Прокуратура органларида иш юритувчи	Республика ва вилоят миқёсидаги ҳар 25 нафар бошқарув ходимлари сонига 1 нафар иш юритувчиси; Шаҳар ва туман прокуратурасида (Департаментнинг шаҳар ва туман бўлимида) 1 нафар ходим
4.	Компьютерларга хизмат кўрсатиш бўйича техник ⁴	1 нафар ходим республика ва вилоят миқёсидаги корпоратив тизими ёки давлат порталининг маълумотлар базасига боғланган ҳолда
5.	Бино коменданти ⁵	1 нафар ходим Республика ва вилоят миқёсидаги алоҳида турган ташкилотнинг маъмурий биноси учун
6.	Хўжалик мудир	1 нафар ходим «бино коменданти» лавозими бўлмаган ҳолда
7.	Бошқа техник ходимлар лавозими	Ташкилотнинг хусусиятига кўра меҳнат ва молия органлари билан келишилган ҳолда киритилади

¹ Хизмат кўрсатувчи ва техник ходимларнинг лавозимлари киритилиши мавжуд бўлган шароитларга кўра, иш вақтида тўлиқ банд бўлган ҳолда амалга оширилади.

² Ташкилот штатидаги ходим рухсатномалар бюроси навбатчиси сифатида хизмат кўрсатган ҳолда, ушбу лавозим киритилади.

³ Бино ижарага олинган ҳолда, ушбу лавозим молия органлари билан келишилган ҳолда киритилади.

⁴ Мураккаб ахборот-коммуникация ускуналари мавжуд бўлганида, шу жумладан видео-конференция ўтказиш учун, молия органлари билан келишилган ҳолда «Тизимни бошқариш ва хизмат кўрсатиш муҳандиси» лавозимига ўзгартирилиши мумкин.

⁵ Ташкилотнинг ихтиёрига кўра «Комендант» лавозими «Хўжалик мудирига» ўзгартирилиши мумкин.